



Шарк халклари хаётига кизикиш туфайли Пушкин Шарк маданияти ва адабиётига ҳам юксак бир мухаббат билан каради. Шоирда Шарк мумтоз адабиёти бадийликнинг олий мезонидир, деган эътикод тушунча шаклланди. Шунинг учун ҳам у «Бокчасарой фронтани» поэмасига Шайх Саъдийнинг:

Бар ин чашма бaсе дам заданд
Бирафтанд чу и нашм бархам заданд
Чаро дил бар ин карвонгох нихем
Ки ёрон бирафтанд мо рохем

Яъни:

«Бу чашма қошига кўплар биз каби келиб кетдилар.
Улар худди юмилган кўз каби гойиб бўлдилар,
Нечун бу манзилгохга кўнгул кўяйлик?
Ёронлар кетдилар-у, биз ҳам йўлдамиз».
каби мисраларини эпиграф килиб олади.

Бу шеър Саъдийнинг «Бўстон» асаридан олинган парча бўлиб, Пушкин ўз мактубларида «Поэманинг ўзи ҳеч нарсага арзимади, лекин эпиграф ажойиб», деб ёзади. У Саъдийнинг тўрт мисра шеърини ўзининг энг гўзал поэмаларидан бири бўлган «Бокчасарой фонтанидан афзал кўради. Пушкиннинг Саъдий шеъриятига ихлосмандлиги, буюк донишманд шоирнинг Пушкин шеъриятига чуқур таъсир этганини назарда тутиб, замондошлари уни «Бизнинг ёш Саъдий», деб улуглашган. XIX аср рус зиёлилари ўзларининг энг севимли, энг иктидорли, энг машхур шоирларини Саъдийга киёслаб улуглашари, фақат Пушкин эмас, рус адабиётининг олтин асри вакиллари бўлган бутун адабий жамоа Саъдийни севганига, бу давр Русиянинг маънавий-маърифий ҳаётида саъдийхонлик кенг тарқалганлигига ҳам ишончли далил бўла олади. Пушкиннинг бу номга сазовор бўлишги бежиз эмас. У Саъдий ижодини яхши билган, севиб ўрганган, таъсирланган, шоирнинг асарларига ва образига такрор-такрор мурожаат қилган. «Лаззатбахш фавворалар шабадасида» (1828) шеъри Саъдий сиймоси Пушкин тасавурида бадий заковот даҳоси бўлиб мангуга мухрланиб қолганини кўрсатади.

Шеър шарқона ҳаётий сахналар тасвири билан бошланади. Лаззатбахш фаввораларнинг инжу томчиларидан жилланган ёркин чиройга эга Шарк ўлкаси... Хон саройи... Шоир... Шарк хоннинг хашаматли саройисиз, сарой шоирсиз бўлмайди, деб тасаввур қилади Пушкин. Шунинг учун буларнинг учаласини табиий бирлик сифатида тасвирлайди. Шоирни Шарк ўлкаларидаги шохона базмларнинг беағи деб тасаввур қилади. Бундай базмларда ўқилган шеърларни «Прозрачной лести ожерелья» — «ёник хушомадларнинг инжу шодалари», «На нити праздного веселья» — «байрам шодиёналари ришталарига» зукколик билан тизилган «маржонлар янглиг порлок» ва «янрок» ҳамда «бе- баҳо донишмандона тасбехлар билан йўғрилган мадхиялардир», деб таърифлайди. Шоир «Любили Крым сыны Саъди» — «Кримни Саъдий авлоди севарди» ва бу ерда «Порой восточный красной». «Здесь развивал свои тетради и удивлял Бахчисарай» — «шарқона сўзамоллик билан ўз саҳифаларини такомиллаштириб, Бокчасаройни хайратга соларди» каби талқинларида Шарк ўлкаларида шеърий заковот инсонни лол қолдирадиган даражада қамол топганини ҳаёлан тасаввур қилиб (албатта бу тасаввур асосли эди, чунки Пушкин Шарк шеъриятининг энг буюк даҳолари Саъдий, Хофиз, Фирдавсий ижодлари асосида, «Минг бир кеча» сингари халқ бадий заковотининг олий тимсоллари асосида Шарк адабиётининг қамолот даражасини тасаввур қилар эди — Д.К.), ўзи ҳам кўтаринки руҳият осмонида парвоз қилади. Шеърнинг давомини ўқир

эканмиз, кўз ўнгимизда Шаркнинг Пушкин тасвирида эртакнамо тус олган ўзига хос манзаралари мухитида «но ни один волшебник милый. Владелец умственных даров, не вымышлял с такою силой» — «хеч бир дилкаш сеҳргар эришолмаган донишмандлик сохиби» бўлган «киёссиз кудрат» билан ривоят ва шеърлар тўкиган шоирнинг салобатли ва сеҳрли киёфаси гавдаланади. «Унинг хикоятлари ёйилса, худди еревоний гиламлардек кўзни камаштиради, Пушкин «Как прозорливой и крылатый. Поэт той чудной стороны» — «Гаройиб ўлканинг бенихоя баланд парвоз (сўзнинг ижобий маъносида — Д.К.) ва ўткир- фахм шоири», деб таърифлаган донишманд Шаркнинг буюк сухандони Шайх Саъдий сиймоси эди. «Учкур тафаккур билан тўкилган ривоят — «Гулистон» ва шаркона сухандонлик билан битилган шеърлар — «Бўстон» асарларига ишора эди. Шеърда Пушкиннинг Саъдий дахосига эхтиром билан караши, унинг асарларига эхтиросли мухаббати шаркона ёник рангли ташбехлар оркали ифода этилган. Зеро. Пушкинда шаркона услубга майл уйготган асосий манбалардан бири хам Саъдийнинг «Бўстон»идир. Мазкур шеърдан маъ- лум бўлишича, Пушкин Саъдийнинг «Гулистон»ига хам мухаббат билан караган, шунинг учун бу асарнинг французча нашрини ўзининг шахсий кутубхонасида эъзозлаб саклаган.

Шеърда кўлланилган ташбехлар ёркинлиги, кўзни камаштирувчи порлоклиги, шаркона шеърий санъатларга хос муболагадорлиги, шаркона бадий тафаккурга хос кўтаринки романтик услуби билан Пушкин Шарк мумтоз шеърияти дахолари даражасига якинлашиб боради. Русиянинг буюк шоири хам Саъдийга хос бўлган «шаркона сўзамоллик» чўккиларини забт этади. Шарк шоирларининг сўзга усталиги, бадий заковатининг юксаклиги хақида фикр юритиш баробарида Шарк аёлларини нурдек тиник сиймоларига хам чизгилар беради. «У ерда аёллари хурлар каби покизадир», деб таърифлайди. Шеърда «хур» сўзи ўзгармасдан факат «х» ундоши «г» билан алмашиб, «гури» шаклида, яъни «гуриям равны» бирикмасида кўлланилган. Пушкиннинг кўпгина шеърларида туркий сўзларни учратиш мумкин. У бир неча асарларида «султон» сўзини ишлатади. «Руслан ва Людмила»да «дарвеш» сўзини кўллайди. Бир канча шеърларида ишлатган «харам» сўзи аввал «гарем» шаклида, кейинчалик аслидек «харам», деб ёзилади. Факатгина бадий асарларида эмас, балки мактубларида хам шаркона сўзлар, туркий жумлалар кўп учрайди. С.И.Тургеневга 1821 йил 21 августда ёзган хатида Пушкин «сизни бегона Туркиядан, ўз Туркиямизга (яъни Русияга) кайтганингиз билан кутлайман. ...Шимолий Стамбул (Петербург)га тез орада келасизми, бизнинг азиз муфти Александр Ивановични мен учун багрингизга босиб кўйинг» , деб ёзган.

Шарк адабиёти, шаркона шеърий санъатлар билан кизикиш Пушкин учун ўгкинчи ва даврий кайфият эмас эди. Шарк адабиёти, айникса, Саъдий ижоди унинг доимий эътиборида бўлган. 1830 йил тугатилган «Евгений Онегин» асарида хам яна Саъдий сиймосини ёдга олган ва:

«Баъзилар энди йўк, ўзгалар йирок,
бир замонлар Саъдий дегани каби »
деб ёзади.

Факат Саъдий сиймосига эмас. шаркона шеърий санъатларга хам Пушкин такрор-гакрор мурожаат килади ва калб кечинмалари, рухий холатларини кўтаринки шаркона поэтикага хос яркирок ташбехларда, Шарк мумтоз шеъриятида кенг кўлланилган шеърий образлар ёрдамида тасвир этади. Суюкли гул қошида чарх уриб, гирён-гирён куйлаётган ошик булбул Пушкиннинг эхтиросли изтиробларини, ўтли ишқда куйган калб дардларини,

хижрон азобларини ифода этиш учун ёрдамга келади. Шоирнинг «Булбул ва гул» (1827) шеъри бунга мисол. Шеърда булбулнинг «Шарк булбули» эканлиги очик айтилган. Таржимада «Шарк» сўзи тушиб колган бўлса-да, шеърнинг шаркона оханглари сира заифлашмаган. Чунки бу оханглар бенихоя кучли бўлгани учун ҳам унинг ўзбек тилига таржимаси аруз вазнига мос келган. Шоир Чўлпоннинг бадий интуитив хиссиёти «Булбул ва гул» шеърининг шаркона оханглари хис этиб, аруз вазнида таржима килади, ташбехларни ҳам шаркона охангга солади:

Бахор чогида, холий богда бир зулматли тун эрди,
Гариб булбул фиғон айлаб, гулим рахм айлагил дерди
У гул хеч кулок солмас эди фарёду афгона,
Факат ором оларди нагмадан тўлгона-тўлгона.
Сени хеч бир севмаган бир гул учун, эй шоирим,
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин сен хам,
Кўй энди, беҳуда дод этма охинг унга етмайдир
Карайсан: яшнаган, гул факат овоза бермайдир
(Чўлпон таржимаси)

Соловей и роза

В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,
Поёт над розою Восточный соловей.
Но роза милая не чувствует, не внемлет
И под возлюбленный гимн колеблется и дремлет.
Не так ли ты поёшь для жадной красоты ?
Опомнись, о поэт, к чему стремишься ты?
Она не слушает, не чувствует поэта
Глядишь, она цветет, взываешь — нет ответа.
(Т. З. с. 8.)

Бу шеърни Хофиз газалига муқояса қилиб, шаркона газалларига солиштириб кўрайлик. Муқояса Пушкин Шарк шеъриятдан, унинг поэтикасидан қанчалик чуқур таъсирланганига ҳолис гувоҳлик берсин. Хофиз ёзади:

Бордим сахарда бог сори гул терши учун
Ногох кулокка келди, чекар эрди булбул ун.
Бир гулнинг ишкига у бўлиб мен каби асир,
Гавго қилар эмиш бу чаман ичра ушбу кун.
Сайр айнар эрдим ул чаману бог аро факат
Ўйлар эдим у булбулу гул хақида бутун.
Гул ёр этиб тиконни-ю, булбулда йўқ қарор
На гулда ўзгариш, на булбулдадир сукун.
Хар икки шеърдаги макон (бог), замон (бахор), ҳолат (богдаги хеч қим йўқ холи вақт) — бутун манзара, бу манзаранинг бадий-хиссий идроки, талқин усули, тасвир услуби, воқеанинг шоир қалбида эмоционал акс садоси накадар муштарак! Хар икки шеърда қиёс айнан бир хил такрорланади: богда гул ишкида фиғон айлаган булбулни кўриб, унинг мухаббатига мубталолиги, хижронда ёниши худди мен сингари, дейди шоир. Пушкин шеърида ҳам, Хофиз газалида ҳам гул бепарво. Икки асарнинг қиёсий таҳлили

Пушкин шеъри Хофиз газалининг эркин таржимаси, деб айтиш мумкин бўлган даражада бир-бирига ўхшашлигини кўрсатади.

А.С.Пушкин Хофиз ижоди хакида лицейда форс адабиётидан эшитган маърузалари ва Гётенинг «Гарбу Шарк девони» асосида анча тўлик тасаввурга эга бўлган. Гёте ижоди билан кизиккан Пушкин унинг бутун мухлисларини хайратга солган «Гарбу Шарк девони»ни ўқимаган бўлиши мумкин эмас. Кюхел- бекернинг Пушкинни хайратга солган маколаларида ҳам «Гарбу Шарк девони» хакида фикр юритилади. Пушкиннинг якин дўстларидан Кюхелбекер Гётенинг «Гарбу Шарк девони» бўйича араб ва форс адабиёти хакида маълумотлар тўплаган .

Бу манбалар Пушкинга Хофиз ижодий сиймоси хакида тасаввур пайдо бўлишига етарли бўлган. Хофиз шеъриятига ихлосманд бўлган Пушкин ижодига унинг шеърияти таъсир этгани шубҳасиз. Пушкиннинг ўзи ҳам баъзи шеърларини «Хофиздан» деб атайди. «Шайдо бўлма жанговар шухратингга», деб бошланган шеър шундай аталади. Шеър 1829 йил Эфрот лагерида ёзилган. Шеърнинг кўлёмасида «Шеер I. Фарходбекка» деб ёзилган. Шеер — шеър сўзининг ўзгарган шакли. Биринчи шеър деб кўйилиши — демак, Пушкин Фарходбекка атаб яна шеър ёзиш ниятида бўлган. Пушкиншуннослар бу шеър хакида фикр билдирар эканлар, гарчи бу асар «форс шоири Хофиз шеърияти охангларида ёзилган бўлса- да, мустикал асар» деб баҳо берадилар. Дархақиқат, Пушкиннинг мазкур шеърини шоирнинг ўзи «Хофиздан» деб атаганига карамай, Хофиздан таржима, деб бўлмайди. Чунки бу шеър мазмунига мос асар Хофиз шеъриятида учрамайди. Лекин шеърнинг тугилишига туртки бўлган гоъвий-эстетик дунёкараш бевосита Хофиздан экани шубҳасиз, йўкса, Пушкин уни Хофиздан деб атамасди. Пушкин Фарходбекка мурожаат килар экан, «Жанговор шухратга шайдо бўлиб, оламон ила конли урушларга ошиқма»; «тўгри, мен биламан, ўлим сени аяйди»; «Азроил сенинг гўзаллигингни кўриб, сенга шафкат килади»; «лекин мен жанговор жангларда иболи харакатлар назокатини»; «нозу хаё гўзаллигини» «йўкотиб кўясан, деб кўркаман», деб ёзади. Шеър мазмунидан маълум бўладики, Фарходбек ниҳоятда гўзал, назокатли, шарм-хаёли, уятчан йигит бўлган. У шунчалар дилбар йигит эдики, унинг гўзаллигидан лол қолиб, хазрати Азроил (Пушкин «Азроил» сўзини айнан ишлатади) конли уруш майдонида уни омон саклайди. Лекин жанговор жанглар уни гўзаллиги, нафис феъли-атворидан айириши мумкин. Фарходбек сиймосида гўзалликка мафтун бўлган Пушкин шу нафосат йўқолишидан ташвиш чекмоқда. Махбуба гўзаллигига мафтункорлик, бу гўзалликнинг мангу шоён бўлишини орзу килган Хофизнинг ошиқона калбининг зарблари Пушкин шеърларига етарли манба бўлган. Натижада Фарходбекка атаб Пушкин мустикал яратган асар хофизона охангларда битилиб қолган. Одатда йигитлар тараннум этилганида шижоат, баходирлик, мардонаворлик, умуман, эркак зотига хос жасурона фазилатлар ила улугланган. Йигит кишини хуснда тенги йўк гўзал сифатида таърифлаш Куръони каримда Юсуф (алайхиссалом) чиройлари васф этилганида учрайди. Юсуф (а.с.) шунчалар гўзал бўлганларки, Миср Азизининг хотини Зулайхо бир кўришда ошиқу бекарор бўлади. Бу сир ошкор бўлиб, Зулайхони бутун Миср аёллари маломат киладилар. Шунда Зулайхо бир тадбир ўйлайди. Маломат килган барча аёлни мехмонга чакириб, кўлларига биттадан пичок бериб кўяди. Зиёфат пайтида хизматкорлари орқали Юсуф (а.с.)ни чакиртиради. Хонага кирган Юсуф (а.с.)нинг хуснига махяиё бўлган аёллар кўл ларидаги пичок билан гўшт ўрнига ўз бармоқларини кеса бошлайдилар. Бундай гўзал йигитга ошиқбўлмаслик мумкин эмаслигини англаган аёллар Зулайхони маломат қилиш

ўринсиз эканини хис килиб, уни айбламай кўядилар.

Юсуф (а.с.) киссаларини Пушкин Инжил ва Куръон оркали таниган. Хатто у катта бобоси А.П.- Ганнибал (Ханбал)нинг туткунлик такдирини ака-укалари туфайли кул килиб сотилган Юсуф (а.с.) кисматлари ила киёслайди.

Юсуф (а.с.)нинг акли лол колдирувчи гўзалликлари жозибасининг мохияти нимада? Ривоятта кўра. Аллох таоло инсонга таксим килинадиган гўзалликнинг 99 фоизини Юсуф (а.с.)га бериб, колган бир фоизини барча одамларга улашган экан.

Куръонда ҳам, «Юсуф ва Зулайхо» дostonларида ҳам Зулайхо нафс рамзи, Юсуф (а.с.), инсондаги ботиний гўзалликлар рамзи, кўнгул хусни, маънавият чиройи бўлган инсоний фазилатлар рамзи рухий комиллик тимсоли саналадилар. Пушкин Фарходбекда йўқолишини истамаган гўзалликлар айнан Юсуф (а.с.)да тажассум топган хусни хулк, рухий гўзаллиги билан боглик нафосат - маънавий поклик, ахлокий баркамоллик тимсоли бўлган сифатлардир. Бу сифатлар Юсуф (а.с.)да тажаллий этган кўнгул мулкининг жилолари. Демак, Юсуф (а.с.)да тажассум бўлган калб гўзаллиги, рухий комиллиги, имон поклиги Аллох инсопларга ато этган гўзалликнинг 99 фоизини жам этади. Инсоннинг ташки киёфасида зухур этган чирой инсон гўзаллигининг атиги бир фоизини ташкил килади. Инсонда калб гўзаллиги баркамол бўлмас экан, ташки хусннинг факат ўзи ҳеч нарса эмас. Калб гўзаллиги, кўнгил поклиги, имон нури чехраларини файзга тўлдириб нурафшон этганлиги боис Юсуф (а.с.) кўрган кишини беҳуш этадиган даражада гўзал кўринганлар. Хазрати Юсуф (а.с.) чиройлари рухий баркамоллик, маънавий юксаклик ва кўнгил гўзаллигининг мажозидир. Пушкин бу гўзаллик малохатини йигитлар учун шараф бўлган жанговор баходирликдан ҳам, алп полвонларга мос мардликдан ҳам юкори кўядики, шафкатсиз уруш майдонларида Фарходбекнинг шахид бўлишидан кўра кўпрок унинг илохий гўзалликни мужассам этган рухий поклиги, маънавий гўзаллиги завол топишидан ташвиш чекади. Фарходбекнинг бундай маъсум, яъни нокиза киёфада тасвирланиши яна Куръон охангларини эслатади. Фарходбек сиймоси «сочилган маржонлардек гўзал», «абдий навкирон», «хушрўй» («Инсон» сураси, 19-оят), «гўзаллиги мангу ёш йигитлар» («Вокеа» сураси, 17—20-оятлар) ва яна бир канча оятларда эслатилган жаннат гилмонларини ёдга туширади.

Жаннат хурларининг гўзаллигини тажассум этувчи маъшуканинг, фирдавс гилмонларига монанд покликни ўзида намоён этувчи ошиқнинг ранг-баранг сиймоларини яратган Хофиз шеърлятининг оханглари кириб келганини англагани учун ҳам шоир мустакил мавзудаги асарни «Хофиздан» деб атаган. Махбубага хофизона мафтункорлик рухида ёзилган шеърлардан яна бири:

«Окшом мени париваш Лайли
Ташлаб кетди локайдлик билан»,
деб бошланади.

Пушкиншунослар бу шеърни Агубнинг «Шарк ва француз шеърлятидан» номли антологиясига француз тилига таржима килиб киритилган араб кўшигига таклидан ёзилган, деб таъкидлашган. Ж.Агуб нашр этган араб кўшигининг мазмуни куйидагича бўлган: «У курсидан турди. «Ўтир», дедим мен унга. У менга: «Кара-чи, сочларинг окариб кетибди-ку!» деди. Хайхот, илгари коп-кора мушк эди, энди камфара бўлиб колибди!» «Тўгри, лекин мушк никох тантаналарида, камфара эса дафн маросимларида ишлатилишини нутиб кўйибсан шекилли» , деди.

Пушкин шеъри худди шу манзарани чизиб беради. Пушкин Шарк сюжетидан онгли

равишда истифода этган. Чунки у Шарк адабиётида бир сюжет асосида жуда кўплаб шоирлар мустакил асар ёзишларини, бир-бирларининг шеърларига назира боғлашларини яхши билар эди. Шунинг учун у таклидчи бўлиб қолишдан чўчимасдан, Шарк шоирлари тажрибасини муваффақият билан ўзлаштирди. Лекин мазкур шеърнинг шаркони тафаккур, шаркони бадиият тарзида шаклланишини араб кўшиги сюжети билангина чеклаб бўлмайди. Чунки бу руҳдаги шеърлар Пушкин яхши таниган Саъдий ва Хофиз ижодида талайгина учрайди. Биз Пушкиннинг шеърини ўқир эканмиз, Саъдий ва Хофиз газалларининг бўйини туйгандек бўламиз. Сочлари оқарган ошик билан унинг устидан кулиб, беҳад нозу истигнолар килувчи шўх махбуба ўртасидаги суҳбаг шеърга асос бўлган. Шеърдаги умумий манзара шундай: махбуба ёш, шўхликлари жўш урган, бепарво малак. Шоир унга: «Ташлаб кетма, гапим бор», деб зорланади. Махбуба эса унинг зорларига кулгу билан караб: «сочларинг оппоқ-ку», деб истехзо килади. Ошик шаркони хозиржавоблик билан: «Хамма нарсанинг ўз вақти бор! Сочим аввал кора мушк эди, энди кофур (хушбўй мушк ифор)га айланди», дея жавоб беради. Махбуба Лайлининг шўхликлари яна хаддан ошади, ошикни батамом мулзам килади: «Ўзинг биласан: мушкнинг хушбўй иси янги келин-куёвга тотли, кофур эса ярар тобутга». Мушкнинг ранги коп-кора, ёшликдаги соч ранги мисол. Кофур ошикнинг оқарган оппоқ сочлари сингари. Бу уринда Пушкин шеърига Шарк шеърий санъатларидан тазод кириб келганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Пушкин яна ошик ва махбубанинг хозиржавоблиги ва сўзга усталиги оркали Шарк шеъриятига хос сўз ўйини санъати хам эриша олган. Шарк поэтикасига хос тасвир усулларидан фойдаланиши Пушкиннинг Шарк адабиётига мухаббат билан караганлиги, Шарк шеърияти мохиятини теран англашга интилангидан дарак беради. Факат Пушкин эмас, Гарбнинг кўпгина даҳолари Шарк маданияти ва адабиёти, унинг алломаларига мухаббат билан караганлар. Шарк мумтоз адабиётининг образлиги, фантазияга бойлиги, фикрларнинг ёркинлиги ва туйгуларнинг кўтаринкилиги Оврупа санъаткорларини мафтун эгиб келган.

XVI аср охири XVII аср бошларида Оврупа адабиётида Шаркка интилиш адабий йўналиш сифатида шаклланди. Шарк халкларининг ахлокий кифасини тараннум этиш асосида Гарб ижодкорлари инсонийлик гоёларини таргиб килдилар. Француз адабиётида бу йўналиш кучли оқимга айланган. Волтернинг шаркий драмалари ва Монтескйенинг «Форс мактублари»да Шарк Гарб маърифат парварлигининг озодлик гоёлари яширинган либосга айланган. Немис файласуфи Гёрдер Шарк маданиятининг юксак гоёларини Гарб адабиёти билан чатиштириш лозимлигини назарий жихатдан исботлаб берган. Унинг «Халклар овози» фалсафий мақолалар тўплами Шарку Гарб чатишувининг назарий дасгури эди. Бу дастурни бадиий амалиётга айлангиргап дастлабки ижодкор Гёрдернинг шогирди буюк Гёте бўлди. Гётенинг «Гарбу Шарк девони» Гарбу Шарк бирлашуви тажаллий этган муаззам дурдонадир. Пушкин Гарбу Шаркни бирлаштирувчи махсус китоб ёзган эмас. Лекин унинг Шарк анъаналари, шаркони рух ва шаркони фалсафани мужассам этган асарларини жамласак улар хам Гётенинг китобига яқинлашиб қолади.

XIX асрда рус адабиётшунослигида романтик поэзия хақида биринчи рисола ёзган Орест Сомов Шарк шеърияти хақида фикр юритар экан, «Шарк шеърияти, ундаги тўкималар хақида гапирмаганда хам, туйгуларининг покизалиги, ифода ва манзараларнинг янгилиги билан порлаб туради», деб ёзади. Шунингдек, у Гёте, Байрон, Томас Мур ижодида кўринган шаркони охангларни юкори баҳолайди.

Оврупа адабиётида Фирдавсий, Шайх Саъдий, Хофиз асарларининг пайдо бўлиши Гарб

адибларида Шарк халклари хаёти, маданиятига кизикиш ва шаркона услубга майл уйготган. Натижада Гётенинг «Гарбу Шарк девони», Байроннинг «Корсар», «Кофир», «Зулайхо» (иккинчи номи «Шаркона повеет»), Жуковскийнинг «Уйкудаги ўн икки гўзал», Томас Мурнинг «Лалларук» («Лола рух») поэмалари ёзилган. «Лалла — рух» («Лола рух») поэмасининг бир бўлими «Жаннат ва пари» деб аталган. Томас Мур ўз асарларига Шарк адабиётига хос пари образии олиб киради. Мазкур поэма хакида фикр юритар экан, Байрои Томас Мурга ёзган мактубида поэма муаллифини «Шарк колорити, унинг камалакдек рангини, нурларини бутун мукамаллиги билан» бера олгани учун олқишлайди.

Пушкин ҳам Томас Мурнинг хаддан зиёд шаркийлашиб кетган, Саъдий, Хофиз ва Куръонга болаларча таклид эта бошлагани хакида хабар берган ва Оврупа шоири ўзининг гарбона киёфасини саклаши лозим, деган эъгикодга амал қилишга интилади ва баъзан ўз эътикодида содик қолади. Масалан, «Арабчага таклид», «Осиёнинг бесамар сархадларин кўрдим», «Ой шуъла сочар, денгиз сокин ухлар», «Грузия кирларида тун коронгуси», «Калмик кизига», «Кавказ» каби шеърлари ва «Кавказ асири» поэмасида Шарк мавзуини ёритган бўлсада, «Арабчага таклид» деб бевосига Шаркка шпора қилган бўлсада, тасвир гарбона шеърият қонуниятлари асосида яратилган. Бу асарларда Пушкин Оврупа шоирига хос хусусиятларни тўла саклаб қолган. Лекин юқорида тахлил этилган ва яна бир қанча асарларида шоирни Шарк поэтикаси тамоман забг этгани кўринади. Баъзи шеърларининг тасвир воситалари, рухий-хиссий хусусиятларини қузатсангиз, гўё уларни Шарк шоири ёзгандек. Мавзунинг шаркона мохияти, тасвирдаги кўп маънолилиқ шаркона услубни шакллантирганини, шеърга Шарк шеъриятига хос кўтаринкилик ва образлилиқ, тасвир рангларининг ёркинлиги, муболагадорлиги чуқур сингиб кетганини шоирнинг ўзи ҳам сезмай қолади. Шарк адабиёти таъсири фақат тасвир воситаларида эмас, асарнинг сюжет қурилиши, композицияси ва образлари ҳам шаркона либос қийган асарлар Пушкин ижоди учун тасодифий ҳол эмас. Бунга «Анжело» поэмаси ёркин мисол бўла олади. Шохнинг фақир қийимини қийиб олиб, мамлакатдаги аҳволни қузатиши, ноҳақликларни ўз кўзи билан кўриб, қайта тахтга ўтирганидан кейин уларни бартараф этиши Хорун ар-Рашид хақидаги ривоятлар сюжетини эслатади. Поэмада тасвир этилган хумқдор Дук образи Шарк эртақларидаги шох образига ўхшаб кетишини Пушкиннинг ўзи ҳам таъкидлайди. Дукнинг бошқа қийим қийиб олиб, халқ ичида яшириниб юрганини таърифлар экан:

«Зиндонларга борганди Дук, Жонли тасаввур —
Хосил этди. Романларни севганиди базўр
Эхтимолки Хорун Рашид халифа каби —
Бўлмокчидир (2-жилд 260-бет)
деб ёзади.

Пушкин ижодида шаркона қайфият сюжет ва композиция сингари йирик компоентлардан ташқари, унинг асарларининг энг зариф хужайраларигача сингиб кетган. Масалан, тасвир усулларининг сербўёклиги ва бу бўёқларнинг ёркинлиги, ўхшатиш, сифатлаш, истиора, тазод қабиларнинг шаркона хусусиятлари, «дабдабали уйку», «хашаматли Шарк», «сехрли гўзаллик», «сехрли арфа», «сехрли ўлка», «осойиштга фарогат» каби сифатланшарда; Заремани гулга киёслаш, унинг қоматини (Шарқда сарвга ўхшатиш мохиятига тенг) пальмага такқослаш каби ўхшагишларда; Зареманинг кўзини «тундан қора», «қундан равшан», деб таърифланган муболагаларда акс этган. Шунга ўхшаш тасвир воситалари ва поэманинг композицион тузилиши,

лексик-семантик катлами, образлар тасвирида жам бўлган шаркона колорит Пушкиннинг ўзи тан олган «шаркона услуб»ни шакллантирди.

Бу услуб Пушкиннинг Шарк адабиёти намуналарини ўзлаштириши самараси эди. Бу ўзлаштириш нихоятда эрта бошланган. У лицейдалик пайтидаёқ Шарк адабиёти хакида маърузалар эшитган, Сисмовдиннинг «Араб эргаклари хакида» китобини, мазкур даврда Русия вақтли матбуотида эълон қилинган Шарк адабиёти намуналарини ўқиган.

Шунингдек, Пушкин Антуан Хамилтон француз тилига таржима қилган сеҳрли эртақлар ва «Минг бир кеча» ҳамда Саъдий, Хофиз асарларининг таржималари билан таниш бўлган. Агубнинг «Шарк ва француз шеърияти» асарини ҳам ўрганган. Пушкинга Монтеスキе, Волтер, Байрон, Томас Мурнинг шаркона асарлари ҳам маълум эди.

Куръонни ўрганиш Пушкинга Шарк фалсафаси, Шарк халклари тафаккури ва эътиқодини яна ҳам теранроқ тасаввур этишга кўмаклашди.

Шарк халклари ҳаёти билан яқинлашув - жанубга сургун қилиниши, Кавказда яшаши, тоторлар, черкаслар, Бокчасарой аҳолиси саналган мусулмонлар билан мулоқотда бўлиши, Арзрумга саёҳати, Козогистон чўлларини кезиб. Орснбурггача етиб келиши «хаёллари Осиёга парвоз қилган» Пушкинга Шарк халклари ҳаётининг бирмунча мукамал ва ҳаққоний бадиий тасвирини яратишга асос бўлди.

Пушкин Шарк манзараларини яратиб, шаркона характерлар қизди. Шарк адабиёти анъаналаридан маҳорат билан фойдаланди. Оврупа шоирлари орасида Шарк маданиятига ҳаммадан кўра кўпроқ яқинлашган ижодкорга айланди. Лекин булар барчаси Пушкиннинг Шарк адабиётининг хақиқий моҳияти, теран фалсафаси, юсак образлилигини ўзлаштириш жараёнидаги дастлабки босқич эди. Пушкин тасаввурида Шарк адабиётининг зоҳирий хусусиятлари аниқроқ намоён бўлган. Маънолар уммони бўлган Шарк шеъриятининг теран моҳиятини, унинг гоёлар ва образлар олами, бадиий-эстетик қимматини ва фалсафий катламларини Пушкин тўлиқ тасаввур эта олган, деган ҳукм чиқара олмаймиз. Чунки Пушкин ўқиган таржималарда бу хусусиятлар бутун моҳияти билан мужассам бўлган, деб айтиш қийин. Фирдавсий, Саъдий, Хофиз номлари Пушкин даври Русияси учун жуда яхши таниш бўлган. Лекин таржималар асосан Шарк шоирларининг асарларидан олинган нарчалардан иборат бўлган. «Шохнома»дан фақат Фирдавсийнинг Султон Маҳмуд Газнавийга ёзган ҳажвияси, «Рустам ва Сухроб» дostonлари таржима қилинган. Саъдий асарларини Пушкин француз тилида мутолаа қилган.

Катрада куёш акс этганидек, денгиздан томчи бўлган бу таржималар асосида Пушкин куёшнинг юсаклигию денгизининг чуқурлигини баҳоли қудрат тасаввур қилди. Бадиий интуитив идрок Пушкинга ислом таълимотидан баҳра олиб, Куръон хикмагларидадан ўсиб чиққан Шарк адабиётининг бадиияти буюклигини, Шарк шоирларининг тафаккури, заковати, фалсафий қарашлари теранлигини ҳис этишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Саъдийнинг тўрт мисра шеърини ўзининг бутун поэмасидан юқори қўйди. Сабаб Саъдий шеъридаги чуқур ҳаётининг фалсафа Пушкиннинг ўзига ром этган эди.

Айниқса, «Минг бир кеча» эртақларидаги ҳаёлотлар дунёсининг чексиз уфқлари Пушкинда Шаркадабиётини дабдабали, жозибали, ўта хашаматли, деб тушунишига асос бўлган. Шарк халклари характерини ҳам Пушкин баландпарвоз кифоада тасаввур этишга мойил бўлган.

Пушкин «Арзрумга саёҳат» асарида: «Форс шахзодасини кутар эдилар . Қазбекдан бир қанча масофа нарида қаршимизга бир неча арава дуч келди ва тор йўлдан ўтиши янада қийинлаштирди. Аравалар ўтиб кетгунча, сокчи бизга форсларнинг битта сарой шоирини

кузатиб бораётганини айтди ва у, илтимосимга кўра, мени Фозилхон билан таништирди. Мен таржимон оркали баландпарвоз Шарк саломини изхор этишга киришдим. Аммо Фозилхон менинг ўринсиз эзмалигимга бамаъни одамнинг содда ва эхтиромли жавобини бергач, жуда хижолат тортдим! У мени Петербургда кўраман деб умид килган экан, учрашувимиз киска муддатли бўлганлигидан ачинди ва хоказо. Мен хижолат ичида тумтарак хазилнамо сўзни тарк этиб, оддий оврупача сўзлашишга мажбур бўлдим. Бу бизнинг русча хазилкашлигимизга сабоқ. Бундан кейин кишиларга сира ҳам уларнинг кўй терисидан килинган попоклари ва хина куйилган тирнокларига караб бахо бермайман» , деб ёзади. Шарк шоири билан шахсан танишув Пушкиннинг Шарк халкларининг маънавий киёфаси тўғрисидаги тасаввурини бутунлай ўзгартирди. Пушкин Шарк халклари характеридagi ижобий хислатларни адабий асарларида меҳр билан тараннум этган бўлса-да, дабдабали баландпарвозлик Шарк адабиётининг ҳам, Шарк кишилари феъл-атворининг ҳам асосий хусусиятларидан. деб ўйларди.

Агар Пушкин Саъдий оламини, Хофиз шеъриятининг маънолар дунёсини, Жомий, Румий, Навоий, Бобур ва бошқа алломаларимиз ижодида тажассум топган фалсафий жавохирлар хазинасини гўлик англаш имкониятига эга бўлганида Шаркка, Шарк адабиётига канчалик эхтиром билан карагани холда, худди Фозилхон олдида мулзам бўлиб колганидек, хижолатда колар эди. Шарк халкларининг бамаъни, улугвор киёфасини ўзида мужассам этган Фозилхоннинг синолиги ва салобатидан хайратга тушган Пушкин ўзининг самимий муносабатини Фозилхонга атаб ёзган шеърида бундай ифода этган:

Киёссиз мардлинингга айтгум тасанно,
Сен совук шимолга йўл олдинг, аммо
У ерда кискадур бахор онлари,
Лекин таниш Хофиз ва Саъдий номлари.
Сен кўргач, Рус элин эртакларини
Ўзингдан колдиргш ном-нишон бирор.

Шаркона хаёлот чечакларини
Шимол корларига айлагил нисор.

(Шеърнинг гаржимаси А.Клименконнинг «Дўстлик рамзи» китобидан олинди)

Пушкин шаркона бадий тафаккурнинг зохирий оламини кашф эта олди, ботиний мохиятни, Шарк бадийига мансуб гоьлар оламининг теранлигини кашф этиш Пушкингагина эмас, бутун унинг даврига ҳам насиб этмади. Шарк шеърияти мохиятини илмий-бадий жихатдан кашф этишга, хакикий фалсафий, эстетик жихатларини нисбатан тўлиқроқ ёритишга И.Ю.Крачковский, И.С.Брагинский, И.Конрад, Д.Бертеле, В.Жирмунский сингари XX аср рус шаркигуносларигина мушарраф бўлишди. Пушкиннинг Шарк мавзуи таъсирида ёзаётган асарларини тахлил килиш асосида шундай хулосага келиш мумкин.

Пушкиннинг Шаркка кизикиши ва Шарк адабиёти таъсирида ижод килиши лицей давридаёқ намоён бўлган, лекин шоир бу даврда Шаркнинг хакикий мохиятини бадий-фалсафий, психологик жихатдан тўлиқ кашф этолмади. Унинг тасаввурида китобий Шарк шаклланди. Лицей даври, Томашевский айтганидек , Пушкиннинг Шаркка кизикишининг асосий даври эмас ва шоирнинг Шаркка кизикиши «Куръонга иктибос» (1824) билан якунланган ҳам эмас.

Брагинский айтганидек , Пушкиннинг Шаркни ўзлаштириши айнан 1824 йиллардан ҳам

бошланмайди. Брагинский айтаётган давр шоирнинг Шаркии ўзлаштиришидаги иккинчи сифат ўзгаришларига эришилган давридир. Пушкин Жануб ва Кавказ сургуни туфайли Шарк ўлкалари, Шарк одамлари билан шахеан танишди. Китобийлик жонли тасаввур билан алмашди. Бу даврда Пушкин Саъдий ва Хофиз асарларини ўқиётгани йўқ эди. Брагинский тан олган Шарк ноэтикасини ўзланггиришга Пушкин биринчи даврдаёқ эришган. Шарк халклари билан юзмаюз учрашиб, уларнинг урф-одатлари, хаёт ва тафаккур тарзини ўз кўзи билан курганидан кейин шоирда ойдин ва реал тасаввурлар шаклланди. Бу тасаввурларни жозибали бадиий манзараларга айлантиришда (биринчи даврдаёқ ўзлаштирилган) Шарк адабиётига хос тасвир восигалари кўмакка келди. Бу холат Пушкиннинг хохиш-иродаси билан эмас, мазмуннинг ўзига мос шаклни такозо этиши конунияти билан рўй берди.

Иккинчи даврда шаркона тафаккурни мукамал ўзлаштириши Пушкиннинг Куръонни ўрганиши билан боғлиқ. Шарк билан юзма-юз учрашув ва куръоний хикматлар асосида Пушкин Шаркни кайтадан кашф этди.

Шаркни ўзлаштиришнинг учинчи — 1830 йиллардан то шоир умрининг охиригача давом этган босқичи Пушкин шеъриягдан тарихга юз ўгирган даврга тўғри келади.

Пушкин «...мен учун шеърият булоғи куриб колди шекилли», дейди бу давр хақида. Пушкин бу даврда Шаркни тарихий-сиёсий, илмий жихатдан ўзлаштира бошлади. Бу ўзланггириш Русия тарихида буюк давр бўлган Пётр I салтанати, унинг Шарк мамлакатлари ўртасидаги сиёсий-дишюматик ва иктисодий алоқалари билан боғлиқ эди. Пушкин ҳам Шаркни худди шу жихатдан ўрганиб, «Пётр I тарихи», «Пугачаёв тарихи» асарларини яратишга киришди. (Бу мавзу алоҳида фикр юритишни ва махсус тадқиқотни талаб қилади.)